

## Бадий Нутқ Ва Бадий Тасвир

Қаюмова Мухтарам Муратовна<sup>1</sup>, Нурматова Мунис Маширабовна<sup>2</sup>

**Аннотация:** Маколада буюк ёзувчи Даниел Дефонинг “Робинзон Крузонинг хаёти ва ажойиб саргузаштлари” асарида қўлланилган қахрамон нутки орқали ёзувчининг характер яратиш маҳорати таҳлил қилинган. Бадий нутқнинг характер яратишдаги ўрни, мухит ва ҳудуд тасвирини очиб беришдаги вазифаси, асар бадий ғоясини тарғиб қилишдаги аҳамияти мисоллар ёрдамида ўрганилган. Ўз ўрнида ёзувчининг асар тилини шакллантиришдаги маҳоратига алоҳида эътибор қаратилган.

**Ключевые слова:** бадий нутқ, сюжет, характер, бадий ғоя, муаллиф нутқи, детал, бадий психология, конфликт, бадий таҳлил.

Бадий асарда нутқ асарнинг сюжет ривожланишига, қахрамон характерини очиб беришга, асар ғоясини ёритишга ёрдам берувчи муҳим назарий асослардан бири ҳисобланади. Айниқса, муаллиф нутқи асарнинг юқори савида шаклланишига, қизиқарли ва мазмунан бой бўлишига, иштирокчиларнинг психологик ҳолатлари, китобхон эътиборини жалб қилишда етакчи роль ўйнайди. Профессор Йўлдошхўжа Солижонов таъкидлаганидек, “Энди у мазкур вазифасига қўшимча равишда бир йўла воқеликни баҳолаш, персонажларга муносабат билдириш, қахрамоннинг ички кечинмаларини чуқурроқ таҳлил этиш, нуктаи назар қўламини янада кенгайтириш каби хизматларни ҳам адо эта бошлади”.[1.25]

Ҳозирги глобаллашув шароитида ижодкорларда адабий ижодий таъсир масаласининг риволаниши ҳам табиий, албатта. Мазкур жараёни чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида жаҳон адабиётининг дурдона асари – Даниел Дефонинг “Робинзон Крузонинг хаёти ва ажойиб саргузаштлари” романини бадий нутқ масаласи нуктаи назардан ўрганиб чиқдик. Асарда муаллиф нутқи берилмайди, барча воқеалар қахрамон Робинзон тилидан ҳикоя қилинади.

“Кемамиз ҳали Хамбер мансабидан чиқмасиданок шимол томондан совуқ шамол турди. Осмонни булут қоплаб олди. Денгиз мавж ура бошлади”[2.9]

Робинзон тилидан берилган ушбу жумлада келгусида бўладиган синовли воқеаларга ишора мавжуд. Қахрамонни сафар давомида ёруғ роҳатли кунлар эмас, “совуқ” қийин кунлар кутмоқда. Ёзувчи сафарнинг бошиданок китобхонни ҳамда қахрамонни оғир синовларга тайёрламоқда. Шунинг учун пейзаж тасвирида берилган “совуқ шамол” рамзий маънода оғир кунларни ифодалашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, “булут” деталлари ҳам келажакдаги синовларга ишора маъносини ифодалашга ёрдам берган. Денгизнинг мавж ура бошлаши эса сюжет тизимида ривожланиш бошланганидан хабар беради. Асарда келтирилган шу қисқагина жумла роман композициясида алоҳида ўрин эгаллайди. Агар мазкур нутқ мавжуд бўлмаганда китобхоннинг келгуси воқеаларга тайёргарлиги етарли бўлмай қолган бўлар эди. Шунингдек, асарнинг кейинги воқеалари ҳам меъёр даражасида асосланмаган ҳолда тасвирланар эди.

“Мабодо ёзувчи характер тасвиридан кўра воқеани баён қилишга берилиб кетиб, унинг қизиқарли чиқиши учун турли эпизодларни бирин-кетин қалаштириб ташлайверса, бундай асарда воқеанавислик устун келиб, ҳаракат унинг соясида қолиб кетади”[3.56]. Даниел Дефо гарчи саргузашт асар ёзган бўлса-да, характерларни чуқур ёритишдан четга чиқмайди. Қахрамонларнинг ҳар бир нутқи, ҳаракати, ўй-хаёли унинг ички оламини ёритишга хизмат қилади. Шунингдек, диологларга ҳам характер хусусиятлари сингдириб юборилган:

“ – Бўрон дейсанми? Эсингни ебсан! Сенингча шу ҳам бўронда-а? Бизнингча бу ҳолва! Айтмоқчи, сенинг денгизда биринчи бўлишинг – кўрққанингга ажабланиб бўлмайди... Юр оғайни, яхшиси “шарбат” қайнаттириб, бир стакандан ичайлиг-у, бўронни эсдан чиқарайлик. Бунга қара, қандай яхши кун! Ажиб ҳаво, шундай эмасми?” [4.10].

Адиб қахрамонлар характерини уларнинг нутқи орқали очиб беришга интилар экан, ҳар бир сўзни синчиклаб саралайди. Денгизчиларга хос бўлган барча жиҳатларни қамраб олишга интилади. Жумладан, юқоридаги мисолда денгизга биринчи марта чиққан Робинзон денгиздаги дастлабки кучли шамолдан кўрқиб кетади, кучли кўркув натижасида, қайтиб денгиз сафарига чиқмасликка ўзига сўз беради, унда мослашув жараёни бўлиб ўтади. Тажрибали денгизчилар бундай ҳолатларни кўп кўрганликлари сабабли Робинзонга далда беришади. Унинг руҳиятидаги тушқунликни англаб, бу ҳолатдан чиқариш учун унга енгил ҳазил қилишади. Робинзон тилидан айтилган “бўрон” енгил шамол эканлигини тушунтиришади. Кўркувни енгиш учун унга “шарбат” ичимлиги зарурлигини тушунишади. Даниел Дефо денгизчилар хаётидан яхши хабардор бўлганлиги мазкур нутқдан ҳам

<sup>1</sup> Фарғона Давлат Университети, Лингвистика (инглиз тили) 2-курс магистранти

<sup>2</sup> Фарғона Давлат Университети, Инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси

кўриниб турибди. Ёш денгизчиларни тарбиялаш жараёнида тажрибалиларининг қандай йўл тутишлари, кекса денгизчиларнинг ғамхўрликлари, уларнинг меҳрибонлик, тарбияловчилик, вазиятни тўғри баҳолай олиш каби характерлари ушбу нутқда намоён бўлади. Адиб денгизчидаги вазиятни тўғри баҳолай олиш характерини Робинзонни “шарбат” ичишга қилган таклифида кўринади. Чунки “шарбат” спиртли ичимлик бўлиб, қаттиқ кўрққан кишилардаги ҳаяжонни йўқотиб, нерв томирларининг бўшашига олиб келишини тажрибали денгизчи яхши билади ва айни дамда Робинзонга шундай ёрдам кераклигини англайди. Шу билан Робинзоннинг денгиз инжиқликларига мослаштириб боради. Бу жараён ўзбеклардаги, отдан йиқилган кишини яна тезда отга миндириш лозим, бўлмаса, отдан кўрқадиган бўлиб қолади, деган тажрибасига ўхшаб кетади.

Ёзувчи асарни ёзиш жараёнида денгизчиларнинг характерини, нутқини чуқур ўрганганлиги сезилиб туради. Биргина “шарбат” сўзи бунга мисол бўла олади. Чунки спиртли ичимликни ҳар хил жамоа турлича жаргонлар билан атайди. Даниел Дефо эса, айнан денгизчилар тилида ишлатиладиган жаргонни қўллаш орқали асарга денгиз, кема атмосферасини олиб киришга ҳаракат қилади.

“Жамиятда мустаҳкам ўрнашиб қолган урф-одатлар, деярли ҳар биримизнинг хатти-ҳаракатимизга жуда зўр таъсир қилади” [5.102]. Инсон туғилиб ўсган муҳит ва у яшаган ҳудуд характерлар умумийлигига таъсир қилади. Яъни, ривожланган жамият вакилида уларга хос характерлар, тоғ ва денгизда, тоғ олди ҳамда денгиз бўйида туғилиб ўсган ёки кўп умри денгиз саёҳатида ўтган инсонларнинг характеридан тезда қарор қабул қилиш психологияси кучли шаклланган бўлади. Бу, албатта, уларнинг яшаш ҳудудидаги табиат инжиқликлари билан боғлиқ ҳисобланади. Чунки, тоғ ҳудудида ҳам, денгиз бўйида ҳам об-ҳаво тез ўзгарувчан бўлиб, у ерда яшовчи инсонлардан тезда қарор қабул қилиш талаб этилади. Юқоридаги мисолда ҳам тажрибали денгизчи характеридан мазкур ҳусусиятни ёзувчи маҳорат билан унинг нутқига синдириб кетади. У Робинзонга бўронни эсдан чиқаришни, ичкилик ичишни таклиф қилиши ва ҳавонинг ёқимли эканлигини тасвирлаши баробарида унинг характеридан ҳам яққол кўзга ташланади. У яқинда бўлиб ўтган шамол қийинчиликларидан хавотирда эмас, табиат инжиқликлари унга оддий ҳолат сифатида таъсир қилган. Шунинг учун у ўтган қийинчиликни тезроқ унутиб, ҳозирги очиқ ҳаводан баҳра олиш кўникмасига эга бўлган характердаги инсондир. Ва ўз ўрнида ёш денгизчи – Робинзонни ҳам шундай характерли қилиб тарбиялашга интилмоқда.

“Санъатнинг энг муҳим аҳамияти – турмушда киши учун кизиқ бўлган ҳамма нарсаларни тасвирлаб беришдир” [6.406]. Даниел Дефо ҳам сафар жараёнини кизиқарли тасвирлаши билан ажралиб туради. Бош қаҳрамон Робинзонни ёзувчи турли вазиятларга солиб синайди, тарбиялайди. Уни ўлим билан юзма-юз қилиб, тирик қолганига шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаб боради. Бу, албатта, келгусида оролда ёлғиз қолганда керак бўладиган қатъийлик характерининг шаклланишига тайёргарлик жараёнидир. Адиб бош қаҳрамонни сафарлар давомида оролдаги қийинчиликларга мослаб боради. Сал олдин меҳрибон бўлган ҳамсафарлари ҳам фалокат чоғида қаттиқўлга айланишади. Уларда бироз аввалги меҳрибонлик йўқолади:

“ - Шунча бекор ётганинг етар, тур, ишла! – дейишди.

Мен ноилож насос машина ёнига келиб, кучим борича тиришиб, сув чочишга тутундим” (13-бет).

Тешилган кеманинг сувини чиқариш чоғида ҳамма баробар ҳаракатланиши лозим. Суёт ҳаракат кемани ҳалокатга олиб келади. Шунинг учун кемадагиларнинг барчаси бор кучини ишга солиши талаб этилади. Бу воқеалар орқали Робинзонда фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш кўникмаси шакллантирилади. Денгизчилар нутқи орқали қаҳрамонни қийин ҳолатларга тайёрлаш тарбияси мавжуддир.

“Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай бадий асарда яратилажак образ, аввало, ёзувчининг кишиларга ва ҳаётга муносабатини акс эттириш воситаси ҳисобланади” [7.205]. Даниел Дефо ҳам Робинзонни аввалбошдан қийинчиликларга маҳкум қилган эди. Дастлаб у ота-она розилигисиз сафарга чиқади. Шарқ ва Ғарб фалсафасида бу, албатта, яхшилик аломати ҳисобланмайди. Ота ва онанинг руҳсатисиз бошланган сафарлар оқибат хайрли яқун топмайди. Биз буни Робинзоннинг қисматида ҳам кўришимиз мумкин. Адибнинг бундай қисмат тасвирларидан унинг ҳаётга, қадим фалсафага муносабатини кўришимиз мумкин. Оролга тушиб қолиш фожеаси юз бергунга қадар ҳам қаҳрамонлар нутқи орқали Робинзонни бир неча бор огоҳлантириш жараёнлари амалга оширилганлигини кузатишимиз мумкин:

“ – Йигитча, бундан буён сиз ҳеч денгизда юрманг. Мен эшитдим, сиз юраксиз, эрка ва энг кичкина хавф хатарга дуч келгандаёқ ўзингизни йўқотиб қўяр экансиз. Бундай одамлар денгизчиликка ярамайди. Дарҳол уйга қайтиб бориб, ота-онангиздан узр сўранг. Денгизда саёҳат қилиш нақадар хатарли эканлигини ўзингиз синаб кўрдигиз” (15-бет).

Кекса денгизчининг мазкур нутқида Робинзонни келажакда кутилаётган хатарлардан огоҳлантириш мавжуд. Унинг тажрибаси ва Робинзон ҳаёти ҳамда характеридан келиб чиққан ҳолда қилган насиҳати тўғри эди. Даниел Дефо кекса денгизчи тилидан айтилган сўзлар орқали асар драматизмини оширишга ҳаракат қилади. Робинзонга ҳақиқатни, характеридан камчиликларни очиқ айтиш орқали бадий тасвирда ички конфликтни юзага келтиради. Қаҳрамон кекса денгизчи айтган барча гаплар тўғрилигини англайди. Бироқ ўсмирларга хос бўлган қайсарлик, бирор ютуққа эришмасдан уйга қайтишдан уялиш хисси устунлик қилади. Натижада Робинзон Крузо жуда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказади.

Хуллас, Даниел Дефонинг “Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари” асарида қаҳрамонлар нутки орқали уларнинг хатактери, психологияси, яшаш тарзи билан боғлиқ жихатлар очиб берилган. Қаҳрамон нуткининг сюжет тизимидаги функцияси, тарбиялашдаги ўрни каби бир қатор вазифаларидан самарали фойдаланилган. Адиб қаҳрамонлар нуткидан бадиий асарнинг қизиқарли бўлишида ва мантиқий изчилликни таъминлашда юқори маҳоратга эга эканлигини намоён қила олган.

#### Адабиётлар:

1. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. Монография. Т., Чўлпон, 2002
2. Даниел Дефо. Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари. Ўқитувчи. Т., 2018. 9-бет. (Бундан кейин мазкур асардан олинган ҳаволаларнинг фақат саҳифаси кўрсатилади).
3. Солижонов Й. Адабиёт ҳиёбони. Мақолалар, суҳбатлар. “Фарғона” нашриёти, Фарғона 2020.
4. Чернишевский Н.Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Т., 1956.
5. Чернишевский Н.Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Т., 1956.
6. Солижонов Й. Адабиёт ҳиёбони. Мақолалар, суҳбатлар. “Фарғона” нашриёти, Фарғона 2020.
7. Abdurashidovich K. A. Motivation and National Character of Foolishness in Uzbek Literature //ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies. – 2018. – Т. 7. – №. 4. – С. 47-51.
8. Qayumov A. CREATING OF A NATIONAL CHARACTER THROUGH MEANS OF LITERATURE //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 1. – С. 235-240.
9. Kayumov, A. A., & Isakova, J. B. (2022). DESCRIPTION OF A CHILD'S IMAGE IN UZBEK LITERATURE. Oriental Journal of Social Sciences, 2(02), 115-122.
10. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 3, 9-13.
11. Kayumov, A. (2021). Character And Psychophysiology. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 3, 9-13.